В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ АБДИВОХИД ШУКУРОВИЧ

СОНЛАРНИ АРИФМЕТИК ПРОГРЕССИЯДАН ОЛИНГАН ТУБ СОНЛАР ЙИҒИНДИСИ КЎРИНИШИДА ИФОДАЛАШ

01.01.06 - Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент–2021

УДК: 511.28

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Сафаров Абдивохид Шукурович
Сонларни арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш..... 3

Сафарова Абдивохида Шукуровича
О представлении чисел суммой простых из арифметической прогрессии…….….. 19

Safarov Abdivokhid Shukurovich
On the representation of numbers as a sum of primes from arithmetic progression…….. 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works ……. 38

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САФАРОВ АБДИВОХИД ШУКУРОВИЧ

СОНЛАРНИ АРИФМЕТИК ПРОГРЕССИЯДАН ОЛИНГАН ТУБ СОНЛАР ЙИҒИНДИСИ КЎРИНИШИДА ИФОДАЛАШ

01.01.06 - Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/FM402 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Аллаков Исмаил**
физика-математика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Рахмонов Зарулло Хусенович**
физика-математика фанлари доктори, академик (Тожикистон)

Худайбердиев Аброр Хакимович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси И.В.Романовский номидаги Математика Институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июл соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website www.mathins.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (117 раками билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Университет кўчаси, 4б-уй. Тел.:(+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website www.mathins.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «17» июл куни таркатилди.

(2021 йил «17» июл даги 2 –рақамли реестр баённомаси).

У.А.Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

Ж.К.Адашев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.,катта илмий ходим

Б.А.Омиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жахон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда назарий механика ва криптография масалаларини тадқиқ қилишга келтирилади. Табиий жараёнларнинг математик моделларини тадқиқ этиш сонлар назариясининг аддитив масалаларнинг назарий асосини ташкил этиб, криптографиянинг шифрлаш қонуниятларининг сонлар назариясининг аддитив масалалари ёрдамида аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай масалаларни ечишда зарур бўладиган дешифрлаш, сонли функциялар ва Дирихле характерларининг қийматлари ўзгарувчиларининг сонли қийматларига боғлиқ. Берилган сонни арифметик прогрессиядан олинган туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалаш – кўплаб физик, химик ва биологик жараёнларнинг табиий математик моделини ўрганишдаги муаммоларни ҳал этишнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида сонлар назариясидаги аддитив масалаларидан Гольдбахнинг тернар ва бинар муаммоларини ечиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Берилган жуфт сонни арифметик прогрессиядан олинган иккита туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласи ҳозирги вақтгача ҳал қилинмаган. Аддитив масалаларни ечиш учун биринчи бўлиб доиравий усул ёрдамида муҳим натижаларга эришилди. Шундан кейин доиравий усулни тригонометрик йиғиндилар усули билан тўлдириш, етарлича катта сонлар учун Гольдбахнинг тернар муаммоси ҳал этишга олиб келинди. Бу борада: туб сонлар қатнашган аддитив масалаларнинг турли хил кўринишлари, яъни берилган сонни туб ва натурал соннинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалаш, берилган сонни туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалаш, берилган сонни тублар сонлар ва натурал сонларнинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалаш муаммолари мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларни илмий ва амалий тадбиқига эга бўлган сонлар назариясининг долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, охирги йилларда Гольдбахнинг тернар ва бинар муаммоларини ўз ичига олган, берилган сонни туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласини ҳал этиш борасида салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра ва геометрия» фанларининг устувор йўналишлари бўйича ҳалқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолиятлари этиб белгиланди[1]. Илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида сонлар назариясининг аддитив масалаларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика ва фан технологиялари ривожланишининг устувор йуналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика и информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сонлар назариясининг асосий масалаларидан бири бўлган Гольдбахнинг бинар ва тернар масалалари XVIII асрнинг ўрталаридан буён маълум бўлган ва Варинг-Гольдбах, Харди-Литтлвуд, Хуа-Ло-Кен муаммолари ва бошқа масалалар шунга боғлиқ ҳолда келиб чиққан. И.М.Виноградов ўзи яратган тригонометрик йиғиндилар методи ёрдамида тернар муаммони етарлича катта сонлар учун ҳал қилди. Бу муаммо Харальд Гельфготтом томонидан ечилган. Лекин бинар муаммо тўла ҳал этилган эмас. Бу соҳада И.М.Виноградов ва Хуа-Ло-Кенларнинг машҳур ишларидан кейин Н.Г.Чудаков, Ван-дер-Корпут ва Эстерманлар Виноградовнинг тригонометрик йиғиндилар методини қўллаб, деярли барча жуфт сонларни иккита туб соннинг йиғиндиси кўринишида ифодалаш мумкинлигини кўрсатдилар. Кейинчалик бу натижа бир неча марта яхшиланди. Жумладан, Г.Л.Монтгомери, Р.К.Вон, И.Аллаков ва Ж.Ченлар томонидан янги баҳолар олинган бўлсада, муаммо тўла ҳал этилгани йўқ.

А.Ф.Лаврик қаралаётган оралиқдаги деярли барча натурал сонлар учун ўринли бўлган берилган натурал сонни иккита туб сон йиғиндиси кўринишида ифодалашлар сони учун асимптотик формулани топди. Кейинчалик, Г.Монтгомери ва Р.Вонлар бу баҳони яхшилаб, берилган оралиқдаги иккита туб сон йиғиндиси кўринишида ифодаланмайдиган натурал сонларнинг сони (масаланинг махсус тўплами) учун янги баҳоларни ўринли эканлигини кўрсатдилар. Биринчи марта И.Аллаков Б.М. Бредихиннинг ғоясини тадбиқ этиб, Г.Монтгомери ва Р.Вонларнинг махсус тўпламига кирмайдиган натурал сонларни шундай кўринишда ифодалашлар сони учун қуйидан баҳо олди. Шунга ўхшаш натижалар Хуа-Ло-Кен муаммоси ва берилган сонларни бир вақтда туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласида ҳам исбот қилинди.

Ҳозирги вақтда сонлар назариясиниг аддитив масалаларидан Гольдбахнинг бинар муаммосини ҳал этиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, юқорида қайд этилган аддитив масалалар

соҳасидаги натижаларни ҳисобга олиб, туб сонлар қатнашган аддитив масалаларни, хусусан, бирор арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар қатнашган аддитив масалаларни текшириб А.А.Карацуба, З.Х. Рахмонов, Н.Н. Добровольский, Н.М. Добровольский, Г.И. Архипов, В.Н. Чубариков, А.И. Нижников, А.В. Михалев, В.А. Панин, У.М. Пачев, А. Лауринчикас, Т.А. Шакова, Ю.Ю. Евсеева, Г.Монтгомери, Р.Вон ва бошқалар томонидан янги баҳолар олинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таьлим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сонларни арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш ва сонларни бир вақтда туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалашлар махсус тўплами учун янги баҳо олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

арифметик прогрессиядан олинган иккита туб соннинг йиғиндиси кўринишида ифодалаб бўлмайдиган жуфт сонлар тўпламини текшириш ва жуфт сонни кўрсатилган кўринишда ифодалашлар сони учун қуйидан баҳо олиш;

арифметик прогрессиядан олинган туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражасининг йиғиндиси кўринишида ифодалаб бўлмайдиган сонлар тўпламини текшириш ва берилган сонни шундай кўринишда ифодалашлар сони учун қуйидан баҳо олиш;

берилган натурал сонларни бир вақтда туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласини текшириш ва кўрсатилган кўринишда ифодалашлар сони учун қуйидан баҳо олиш**.**

Тадқиқот объекти: алгебра ва сонлар назариясидаги сонли функциялар ва Дирихле характерлари, тригонометрик йиғиндилар ва арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар.

Тадқиқотнинг предмети: сонларнинг аддитив назарияси, арифметик функциялар назарияси, комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси, Дирихле характерлари назарияси.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда Харди-Литтлвуднинг доиравий усули, И.М.Виноградовнинг тригонометрик йиғиндилар усули ва Монтгомери–Воннинг аддитив масалаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

берилган соннинг арифметик прогрессиядан олинган иккита туб сонларнинг йиғиндиси кўринишида ифодалашлар сони учун қуйидан баҳо олинган ва бундай кўринишда ифодалаб бўлмайдиган сонлар тўплами учун янги баҳо исботланган;

берилган соннинг арифметик прогрессиядан олинган туб ва туб соннинг фиксирланган даражасининг йиғиндиси кўринишида ифодалашлар сони учун

қуйидан баҳо олинган ва бундай кўринишда ифодалаб бўлмайдиган сонлар тўплами учун янги баҳо исботланган;

чизиқли тенгламалар системасининг туб сонларда ечимга эга бўлиш шартларини қаноатлантирувчи натурал сонлар тўпламининг баҳолари такомиллаштирилган;

берилган натурал сонларни бир вақтда туб сонларнинг йиғиндиси кўринишида ифодалаш мумкинлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Гольдбахнинг бинар муаммоси ва Хуа-Ло-Кен муаммосидаги махсус тўпламларни баҳолаш усули ва шу махсус тўпламга тегишли бўлмаган натурал сонлар тўпламининг ифодаланишлар сони учун қуйидан баҳо олиш усулларини баён қилинганлигидан иборат.

Чизиқли тенгламалар системасининг туб сонларда ечимга эга бўлиш шартларини топиш ва ечимга эга бўлиш шартларини қаноатлантирувчи натурал сонлар тўплами учун баҳо олиш усулини баён қилинганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги комплекс анализ, алгебра, сонлар назарияси методларидан фойдаланилганлиги ва математикада қабул қилинган дедуктив хулосаларга асосан қўлланилганлиги ва теоремаларнинг қатъий ва тўлиқ исботланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сонлар назариясининг аддитив масалалари назариясининг кейинги ривожида фойдаланиш мумкинлиги, ҳамда сонларнинг аналитик назриясини янада ривожлантириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сонлар назариясининг аддитив масалаларида сонли натижалар олиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сонларни арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш бўйича олинган натижалар асосида:

берилган соннинг арифметик прогрессиядан олинган туб ва туб соннинг фиксирланган даражасининг йиғиндиси кўринишида ифодалашлар сони учун қуйидан олинган баҳодан №ГР0116TJ00532 рақамли «Тригонометрик йиғиндилар ва уларнинг сонлар назариясининг аддитив масалаларига тадбиқи ҳамда функциялар яқинлашиш назариясининг танланган масалалари» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида тригонометрик йиғиндиларнинг ҳолатларини аниқлашда фойдаланилган (А.Жўраев номидаги Математика институтининг 2021 йил 9 апрелдаги 31004/23-46-сонли маълумотномаси, Тожикистон). Илмий натижанинг қўлланилиши сонлар назариясининг аддитив масалалари учун янги баҳолар исботлаш имконини берган;

берилган соннинг арифметик прогрессиядан олинган иккита туб сонларнинг йиғиндиси кўринишда ифодалаб бўлмайдиган сонлар тўплами учун олинган баҳодан «Содда тригонометрик йиғиндилар ва уларнинг тадбиқлари» номли махсус курс ўқитилишида фойдаланилган (Тожикистон

Миллий университетининг 2021 йил 28 апрелдаги 03/1134-03-сонли маълумотномаси, Тожикистон). Илмий натижанинг қўлланилиши Гольдбахнинг бинар ва тернар масалаларининг махсус тўпламлари учун қуйидан баҳо олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 3 таси хорижий ва 3 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 95 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар йиғиндисининг махсус тўпламлари хақида»** деб номланган биринчи бобда сонларни арифметик прогрессиядан олинган иккита туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласи, яъни туб сонлар бирор арифметик прогрессиядан олинган ҳолатдаги Гольдбах муаммоси ўрганилган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи ёрдамчи характерга эга бўлиб, бу ерда асосий белгилашлар, ёрдамчи леммалар, бирлик интервални бўлиш, Дирихле L-функциясининг махсус нолларига оид тушунчалар келтирилган. Жумладан, Дирихле L-функциясининг махсус нолларини ўрганиш сонлар назариясининг аддитив масалаларини хал қилишга оид маълумотлар келтирилган.

Қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$X-$етарлича катта ҳақиқий сон, $n-$ натурал сон, p, p_1, p_2- туб сонлар, $E(X)-$орқали $n \le X$ учун, $n = p_1 + p_2$ кўринишда ифодалаб бўлмайдиган сонлар сонини белгилаймиз. $M(D,X)-$орқали $n \le X$ учун

$$n = p_1 + p_2,\ \ p_i \equiv l_i (\mathrm{mod}\, D) \quad (l_i, D) = 1,\ \ i = 1,2; \qquad (1)$$

кўринишда ифодалаб бўлмайдиган сонлар тўпламини ва $E(D,X)=card\,\mathrm{M}(D,X)$ деб ҳамда $R(n,D,X)-$орқали эса берилган n ни (1) кўринишда ифодалашлар сонини белгилаймиз, c_j $(\mathrm{j}=1,2,...)-$ мусбат ўзгармас сонлар, $\varphi(a)-$ Эйлер функцияси, χ_q орқали q модул бўйича Дирихле характерни, $\overline{\chi}_q$ орқали q модул бўйича χ_q характерга қўшма Дирихле характерни белгилаймиз. Асосий интерваллар тўпламини $\mathcal{M}$ орқали, Т орқали эса $Q^{-1}<\alpha<1+Q^{-1},\alpha\notin\mathcal{M}$ шартни қаноатлантирувчи асосий интервалга кирмайдиган α лар тўпламини белгилаймиз. Шундай қилиб, Т қўшимча интерваллар бирлашмасини ифодалайди.

$R(n,D,X)$ ни қуйидаги

$$R(n,D,X)=R_1(n,D,X)+R_2(n,D,X) \tag{2}$$

кўринишда ифодалаш мумкин, бу ерда

$$R_1(n,D,X)=\int_{\mathcal{M}} S_1(\alpha)S_2(\alpha)\mathrm{e}(-n\alpha)\mathrm{d}\alpha,\quad R_2(n,D,X)=\int_{\mathrm{T}} S_1(\alpha)S_2(\alpha)\mathrm{e}(-n\alpha)\mathrm{d}\alpha\ .$$

$R_1(n,D,X)$ ўрганиш учун қуйидаги леммалардан фойдаланамиз:

1-лемма. Айтайлик, $\chi-$ $q\le P$ модул бўйича Дирихле характери ва $L(\mathrm{s},\chi)-$ Дирихле $L-$функцияси бўлсин, у ҳолда:

a) $L(\mathrm{s},\chi)$, s=σ+it функция қуйидаги соҳада:

$$1-\frac{0,0019128}{\ln P}\le\sigma\le 1,\ |t|\le P^{19/4}, \tag{3}$$

$\tilde{\delta}=1-\tilde{\beta}$ ягона ҳақиқий нолга эга бўлади;

b) агар $L(\mathrm{s},\chi)$ шундай махсус нолга эга бўлса, у ҳолда (3) соҳани қуйидаги соҳа билан алмаштириш мумкин

$$\sigma>1-\frac{1}{81\log P}\ln\left(\frac{1}{200\tilde{\delta}\ln P}\right),\ |t|\le P^{\delta},\ \tilde{\delta}\ln P\le\frac{1}{200e}; \tag{4}$$

c) бу махсус нол қуйидаги тенгсизликни қаноатлантиради:

$$\frac{0,4961}{\tilde{q}^{1/2}\log^2\tilde{q}}<1-\tilde{\beta}<\frac{0,3}{\log\tilde{q}}.$$

2-лемма. Айтайлик, $\aleph=\frac{(1+16\delta)}{115}$, $0<\delta<0,01$ бўлсин ва

$\exp(\log^{1/2}\mathrm{X})\le P\le X^{\aleph}, XP^{-1}\le h\le\frac{1}{2}X$, у ҳолда

$$\sum_{q\le P}\sum_{\chi}{}'\max_{x\le\frac{3}{2}X}\max_{h\le\frac{1}{2}X}\left(h+\frac{X}{P}\right)^{-1}\left|\sum_{x-h}^{x}{}^{\#}\chi(p)\ln p\right|<\begin{cases} c_2\exp\left(-c_3\frac{\ln X}{\ln P}\right),\ \text{агар } E_{\tilde{\beta}}=0,\\ c_4\exp\left(-c_5\frac{\ln X}{\ln P}\right)(1-\tilde{\beta})\ln\mathrm{P},\ \text{агар } E_{\tilde{\beta}}=1,\end{cases}$$

бу ерда $\sum^{\#}$ – $q=1$ бўлганда $\sum_{x-h}^{x}\ln p-\sum_{x-h<n\le x}1$ ва $E_{\tilde{\beta}}=1$ да $\sum_{x-h}^{x}\tilde{\chi}(p)\ln p+\sum_{\substack{x-h<n\le x\\ n>0}}n^{\tilde{\beta}-1}$ га тенг эканлигини билдиради.

3-лемма. Айтайлик, χ_0 – q модул бўйича бош характер, χ_i – r_i, $i=1,2$ модул бўйича примитив характер бўлсин. У ҳолда $m\neq 0$ учун қуйидаги баҳо ўринли:

$$\sum_{q}\frac{1}{\varphi^2(\mathrm{q})}\left|c_{\chi_1\chi_2\chi_0}(m)\tau(\tilde{\chi}_1\chi_0)\tau(\tilde{\chi}_2\chi_0)\right|\ll\frac{|m|}{\varphi(|m|)}.$$

$R_2(n,D,X)$ ни қараймиз. (2) тенгликдан ва Парсевал айниятидан қуйидагига эга бўламиз:

$$\sum_{n}R_2^2(n,D,X)=\int_{\mathrm{T}}|S(\alpha)|^2d\alpha\le\left(\max_{\mathrm{T}}|S_1(\alpha)|\right)^2\int_{\mathrm{T}}|S_2(\alpha)|^2d\alpha, \qquad (5)$$

бу ерда $\int_{\mathrm{T}}|S_2(\alpha)|^2d\alpha\le\int_{Q^{-1}}^{1+Q^{-1}}|S_2(\alpha)|^2d\alpha\le\sum_{P<p\le X}\ln^2 p.$

К.Прахарнинг теоремасига кўра, $X\ge 2$ ва $D\le X^{\frac{1}{2}}$ учун қуйидагига эга бўламиз:

$$\sum_{\substack{p\le X\\ p\equiv l(modD)}}\ln p\ll\frac{X}{\varphi(D)}.$$

Шунинг учун,

$$\int_{\mathrm{T}}|S_1(\alpha)|^2d\alpha\ll(\ln X)\sum_{\substack{P<p\le X\\ p\equiv l(modD)}}\ln p\ll\frac{X}{\varphi(D)}lnX \qquad (6)$$

$\max_{\alpha\in\mathrm{T}}|S_1(\alpha)|^2$ баҳолашимиз учун И.Аллаков ва М.Исраиловлар томонидан олинган баҳодан фойдаланиб, яъни агар, $R\le q\le\frac{X}{R}$ ва $1\le R\le X^{\frac{1}{3}}$, $(a,q)=1$, $\left|\alpha-\frac{a}{q}\right|\le\frac{2R}{qN}$ бўлса, у ҳолда

$$S(\alpha)\ll XDR^{-\frac{1}{2}}(\ln X)^{\frac{11}{2}}. \qquad (7)$$

Дирихленинг аппроксимация теоремасига кўра, шундай $q\le Q$ ва $1\le a\le q$,$(a,q)=1$ шартни қаноатлантирувчи a лар мавжуд бўлиб, улар учун $\left|\alpha-aq^{-1}\right|\le(qQ)^{-1}$ ўринли. Натижада (5), (6) ва (7) тенгликлардан

$$\sum_{n\le X}R_2^2(n,D,X)\ll\frac{X^3D^2}{P\varphi(D)}\ln^{12}X \qquad (8)$$

келиб чиқади.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида асосий интерваллар қаралган. Хусусан,

$$S_i = S_i(X;\alpha) = \frac{1}{\varphi(D)}\sum_{\chi_D}\bar{\chi}_p(l_i)\sum_{P<p\le X}\chi_D(p_i)(lnp_i)e(p_i\alpha),\ i=1,2$$

белгилашга асосан, S_i ни қуйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин:

$$S_i = \frac{1}{\varphi(D)}\sum_{\chi_D}\bar{\chi}_D(l_i)\sum_{P<p_i\le X}\chi_D(p_i)(\ln p_i)\left(\frac{1}{\varphi(q)}\sum_{\chi_q}\chi_q(p_i a)\tau(\bar{\chi}_q)e(p\eta)\right) =$$

$$= \frac{1}{\varphi(D)\varphi(q)}\sum_{\chi_D,\chi_q}\bar{\chi}_D(l_i)\sum_{h=1}^{q}\bar{\chi}_q(h)e\left(\frac{ah}{q}\right)\sum_{P<p_i\le X}(lnp_i)\chi_D(p_i)\chi_q(p_i)e(p_i\eta).$$

Қулайлик учун $A_i = \frac{1}{\varphi(D)\varphi(q)}\sum_{\chi_D,\chi_q}\bar{\chi}_D(l_i)\sum_{h=1}^{q}\bar{\chi}_q(h)e\left(\frac{ah}{q}\right)$

ва $G_i = \sum_{P<p_i\le X}(lnp_i)\chi_D(p_i)\chi_q(p_i)e(p_i\eta),\ \ i=1,2$ белгилашларни киритиб оламиз. У ҳолда $S_i = A_i G_i(\chi_m,\eta)$ га эга бўламиз.

Иккинчи параграфнинг асосий натижаси ушбу натижа ҳисобланади:

$$\sum_{q\le P}\sum_{a=1}^{q}{}' \int_{M(q,a)} S_1 S_2 e(-n\alpha)d\alpha = \sum_{q\le P}R(q)\frac{\mu^2\left(\frac{q}{d}\right)}{\varphi^2(D)\varphi^2\left(\frac{q}{d}\right)}\sum_{a=1}^{q}{}' e\left(\frac{a}{q}N_1\ (l_1+l_2)\right)\cdot$$

$$\cdot\int_{M(q,a)} g_1^{(1)}(X,\eta)g_1^{(2)}(X,\eta)e(-n\alpha)d\alpha +$$

$$+\sum_{q\le P}\sum_{a=1}^{q}{}' \int_{M(q,a)} A_1A_2 g_1^{(1)}(X,\eta)W_2(\chi_m,\eta)e(-n\alpha)d\alpha\ +$$

$$+\sum_{q\le P}\sum_{a=1}^{q}{}' \int_{M(q,a)} A_1A_2 g_1^{(2)}(X,\eta)W_1(\chi_m,\eta)e(-n\alpha)d\alpha +$$

$$+\sum_{q\le P}\sum_{a=1}^{q}{}' \int_{M(q,a)} A_1A_2 W_1(\chi_m,\eta)W_2(\chi_m,\eta)e(-n\alpha)d\alpha = M_1+M_2+M_3+M_4. \qquad (9)$$

А.Ф.Лаврик ва Р.Вон ишларидан фойдаланиб, И.Аллаков қуйидаги теоремани исботлади:

1-теорема. $D = p^{\nu}$ ва $\mathrm{D} \ll \ln^{A} X$ учун $E(D,X) \le c_3 \dfrac{X}{\varphi(D)} \exp(-\mathrm{c}_4 \sqrt{\ln X})$ баҳо ва $n \notin M(D,X),\, n \le X$ учун

$$R(n) \ge \mathrm{c}_5 \frac{n}{\varphi(D)\ln^2 n}\left(1 - \frac{\ln^{A} n}{\exp(\mathrm{c}_6 \sqrt{\ln n})}\right)\exp\left(-\frac{c_6}{4}\sqrt{\ln n}\right)$$

тенгсизлик ўринли.

Учинчи параграфда 1-теоремадаги баҳолар такомиллаштирилган.

2-теорема. Етарлича катта X ва етарлича кичик $\delta > 0$ учун, $D < X^{\delta_1}$, $(10\delta_1 < \delta)$ да, $E(D,X) \le c_7 X^{1-\delta} \varphi^{-1}(D)$ баҳо ва $n \notin M(D,X), n \le X$ учун

$$R(n,D) \ge c_8 \frac{n^{1-\frac{7}{8}\delta}}{\varphi(D)\ln^2 n}\left(n^{\frac{\delta}{8}} - 1\right)$$

баҳолар ўринли.

Таъкидлаш жоизки, 1-теорема ва 2- теоремалар бир-биридан қуйидагича фарқ қилади: 1-теоремада арифметик прогрессиянинг айирмаси $D = p^{\nu}$ (яъни туб соннинг даражасига тенг) ва $\mathrm{D} \ll \ln^{A} X$ махсус тўплам қуйидаги баҳони қаноатлантиради:

$$E(D,X) \le c_3 \frac{X}{\varphi(D)} \exp(-\mathrm{c}_4 \sqrt{\ln X}).$$

2-теоремада эса, D ихтиёрий ва $1 < D < X^{\delta_1}$ (δ_1 етарлича кичик), махсус тўплам $E(D,X) \le c_7 X^{1-\delta_1} \varphi^{-1}(D)$ (δ етарлича кичик ва $10\delta_1 < \delta$) баҳони қаноатлантиради.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Хуа-Ло-Кеннинг аддитив масаласи**” деб номланган бўлиб, сонларни туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражаси кўринишида ифодалаш масаласи ўрганилган ва бу натижалар p_1 ва p_2 туб сонлари айирмаси D га тенг бўлган арифметик прогрессия учун умумлаштирилган. Харди-Литтлвуд ва И.Виноградовнинг ишларидан сўнг, Хуа-Ло-Кен қуйидаги тасдиқни келтириб ўтди: «Барча етарлича катта натурал сонни туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалаш мумкин». $E_k(X)$ орқали $n, n \le X$ учун

$$n = p_1 + p_2^k, \qquad (10)$$

кўринишда ифодалаб бўлмайдиганлар сонини белгилаймиз, бу ерда $X -$ етарлича катта хақиқий сон, $p_1, p_2 -$ туб сонлар, $k \ge 2$ – фиксирланган натурал сон. Хуа-Ло- Кен $E_k(\mathrm{X}) < \mathrm{c}_1(\mathrm{k}) \dfrac{X}{\ln^{\gamma} X}$, (бу ерда $\gamma < \dfrac{k}{k+2}$) баҳони ўринли эканлигини исботлади. Сўнгра В.А.Плаксин қуйидаги теоремани исботлади:

3-теорема. Ушбу

$$\left(n-1,\ \prod_{\substack{p \\ \varphi(p)\nmid k}} p\right)=1 \qquad (11)$$

шартни қаноатлантирувчи n ($n \le X$) лар учун $k \ge 2$ бўлганда (10) кўринишда ифодалаб бўлмайдиган $n \le X$ лар сони учун $E_k(\mathrm{X}) \ll_k X^{\gamma}$ баҳо ўринли, бу ерда $0<\gamma<1$ ва $\gamma<1-\left(137k^3 lnk\right)^{-1}$.

Сўнгра италиялик математиклар А.Перелли ва А.Заккагнилар Риманнинг умумлашган гипотезаси ўринли деб қараб, қуйидаги аниқроқ натижани олдилар: $E_k(\mathrm{X}) \le \mathrm{c}_3(\mathrm{k},\varepsilon)\mathrm{X}^{1-\frac{2}{kK}+\varepsilon}$, бу ерда $K=2^{k-1}$ ва $\varepsilon>0$ – ихтиёрий етарлича кичик мусбат сон.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида бирлик интерваллари бўлаклаш ва улар учун баҳо олинган. Жумладан, $\varepsilon-$ ихтиёрий кичик мусбат сон, $X>X_{k,\varepsilon}$, $X_{k,\varepsilon}-$ етарлича катта мусбат сонлар,

$$\delta=1/14k,\ (0<\varepsilon<2/(7k4^k)),\ X=P^k, Q=X^{17\varepsilon}, \tau=XQ^{-1}, \Delta=\tau^{-1}, Z=Q^{0,3},$$

$L=lnX, l=lnlnX;\ c_1, c_2 ...-$ мусбат доимийлар, $\ll$ ва O белгилар $\varepsilon, k, X_{k,\varepsilon}$ доимийларга боғлиқ . Сўнгра,

$$R(n)=k\sum_{\substack{p_1+p_2^k=n \\ \frac{X}{3}<p_1,\,p_2^k\le X}} lnp_1 lnp_2 \quad \text{ва} \quad S_k(\alpha)=k\sum_{\frac{X}{3}<p^k\le X} lnp\, e\left(\alpha p^k\right)$$

белгилашларни киритсак, у ҳолда $R(n)=\int_{-\Delta}^{1-\Delta} S_1(\alpha)S_k(\alpha)e(-n\alpha)d\alpha$ га эга бўламиз.

Иккинчи параграфда $R(n)=R_1(n)+R_2(n)$ тенгликдан $R_1(\mathrm{n})$ қараймиз. $R_1(\mathrm{n})$ ни баҳолаш учун қуйидаги леммаларни келтириб ўтамиз:

4-лемма. $0<\eta\le\frac{1}{2}$ учун

$$T_1(\eta), \tilde{T}_1(\eta) \ll \min(X;\eta^{-1}) \text{ ва } \Gamma_k(\eta), \tilde{\Gamma}_k(\eta) \ll \min(P;\eta^{-1/k})$$

муносабатлар ўринли.

5-лемма. Фараз қилайлик, $\delta=\theta T^{-1}$, $0<\theta<1$ ва $s(t)=\sum_{\mu} c(\mu)e(\mu t)$ – абсолют яқинлашувчи тригонометрик қатор бўлсин, бу ерда μ - ҳақиқий сон ва $c(\mu)$ - комплекс коэффициентлар. У ҳолда

$$\int_{-T}^{T} |S(t)|^2\, dt \le c_3(\theta) \int_{-\infty}^{\infty} |\delta^{-1} \sum_{x}^{x+\delta} c(\mu)|^2\, dx,$$

муносабат ўринли, бу ерда $c_3(\theta) = \left\{ \min(\frac{2}{\pi}; \frac{(1-\theta)}{\pi\theta}) \right\}^{-2}$.

6-лемма. Агар χ_1, χ_2 - r модул бўйича характерлар, r_1, r_2 модуллар бўйича примитив характерлар, $r = [r_1, r_2]$ ва $\rho(r,n) > 0$, у ҳолда

$$\frac{G(r,\chi_1,\chi_2,n)}{\varphi^2(r)\pi_r(n)} = \frac{\rho(r,\chi_1,\chi_2,n)}{\rho(r,n)} \ll \frac{(n,r)}{r^{0,33}}$$

муносабат ўринли.

7-лемма. Агар U, r-лар $Q^{0,7} \le U \le Qr^{-1}$ шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий сонлар бўлсин. У ҳолда барча n нинг $\ll XQ^{-0,4}$ қийматларидан бошқа барча $n \le X$ лар учун $A_r(n,U)\pi_r(n) = A(n) + O(Q^{-0,1})$ тенглик ўринли.

8-лемма. n нинг $\ll X^{0,88}$ қийматларидан ташқари барча $n \le X$ лар учун $A(n) = \sigma(n) + O(L^{-c_{10}})$ тенглик ўринли, бу ерда c_{10} – ўзгармас мусбат ва

$$\sigma(n) = \prod_{p \le Y} \frac{p \cdot \rho(p,n)}{\varphi^2(p)}, \;\; Y = X^{1/l\nu_1}, \;\; \nu_1 = 10^{-5}, \;\; l = \ln\ln X.$$

Учинчи параграфда юқоридаги леммалардан фойдаланиб қуйидаги теорема исботланган:

4-теорема. Етарлича катта X лар учун, $E_k(X) \ll X^{\gamma}$ баҳо ўринли, бу ерда

$$\gamma < \begin{cases} 1 - \left(17774{,}989k^2\left(lnk + 6{,}5452\right)\right)^{-1}, & агар \;\; 2 \le k \le 205, \\ 1 - \left(68k^3\left(2lnk + lnlnk + 2{,}8\right)\right)^{-1}, & агар \;\; 205 < k \le e^{628}, \\ 1 - \left(137k^3 lnk\right)^{-1}, & агар \;\; lnk > 628. \end{cases}$$

Фараз қилайлик, $n, n \le X$ лар учун $p_1 \equiv l(\mathrm{mod}\, D), p_2 \equiv l(\mathrm{mod}\, D)$ шартни қаноатлантирувчи $n = p_1 + p_2^k$ кўринишда ифодалаб бўлмайдиган ва (11) ни қаноатлантирувчи n лар сонини $E_k(D,X)$ – орқали белгилаймиз.

Тўртинчи параграфда қуйидаги теорема исботланган.

5-теорема. Агар $1 \le D \le \ln^A X$ бўлса, у ҳолда $E_k(D,X) \ll X^{\gamma} / \varphi(D)$ баҳо ўринли, бу ерда

$$\gamma < \begin{cases} 99999{,}8212\cdot 10^{-5}\,, & агар\ \ k=2, \\ 99999{,}9263\cdot 10^{-5}\,, & агар\ \ k=3, \\ 1-\left(261{,}3963k^2 4^k\left(lnk+6{,}9313\right)\right)^{-1}, & агар\ \ 4\le k\le e^{503}, \\ 1-\left(265k^2 4^k lnk\right)^{-1}, & агар\ \ lnk>503. \end{cases}$$

4-теорема В.А.Плаксин теоремасининг такомиллаштирилгани бўлиб, 5-теорема эса шу теорема айирмаси $D \ll \ln^A X$ га тенг бўлган арифметик прогрессия учун умумлаштирилганидир, бу ерда $A>0-$мусбат ҳақиқий сон.

Таъкидлаш лозимки, бу ерда (11) шарт табиий равишда келиб чиқади. Ҳақиқатдан ҳам, агар p сони $\varphi(p)\backslash \mathrm{k}$ шартни қаноатлантирувчи туб сон бўлса, у ҳолда $(p-1)\backslash \mathrm{k}$ ва агар $k=(p-1)\mathrm{k}_1$ деб олсак, (10) тенгламанинг ечимга эга эканлигидан $n\equiv u+v^k\equiv u+1(\mathrm{mod p})$ $p\nmid uv$ таққосламанинг ечимга эга бўлиши келиб чиқади. Чунки $v^k=v^{(\mathrm{p}-1)\mathrm{k}_1}\equiv 1^{\mathrm{k}_1}\equiv 1(\mathrm{mod p})$, $n-1\equiv u+v^k-1\equiv u(\mathrm{mod p})$. Бундан (11) нинг ўринли эканлиги келиб чиқади. Бу ерда фойдаланилган метод $n\notin M(D,X), n\le X$ ни (10) кўринишида ифодалашлар сони $R_k(D,n)$ учун ҳам қуйидан баҳо олиш имконини беради:

$$R_k(D,n) > \mathrm{c}(\mathrm{k},\varepsilon)\frac{n^{(1-\mathrm{E}_\beta\varepsilon)/\mathrm{k}}}{\varphi(D)\ln^2 n}A(n),\ (\varepsilon\ge 1.8322\cdot 10^{-4})\,.$$

Бу баҳо $\tilde{\beta}$ махсус нол мавжуд бўлмаган ҳолда, яъни $\mathrm{E}_{\tilde{\beta}}=0$ қаралаётган масаланинг бош ҳадидан ўзгармас кўпайтувчига $\tilde{\beta}$ махсус нол мавжуд бўлган ҳолда ($\mathrm{E}_{\tilde{\beta}}=1$), $n^{-\varepsilon}$ кўпайтувчига фарқ қилади. Бу ерда $A(\mathrm{n})$ масаланинг махсус қатори бўлиб, $(\ln\mathrm{X})^{-k}\ll A(\mathrm{n})\ll \ln\mathrm{X}$ шартни қаноатлантиради.

Диссертациянинг учинчи боби “**Сонларни бир вақтда туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш**” деб номланган бўлиб, ушбу

$$b_i=a_{i1}p_1+a_{i2}p_2+\ldots+a_{im}p_m\ ;\ i=1,2,3,\ldots,s \qquad (12)$$

чизиқли тенгламалар системаси $s=n$ ва $m=n+1$ бўлганда текширилган. Бу ерда $b_1,b_2,\ldots,b_s-$натурал сонлар, $a_{i1},a_{i2},\ldots,a_{im}-$ бутун коэффициентлар, $p_1,p_2,\ldots,p_m-$ туб сонлар. Маълумки, (12) системанинг ечимга эга бўлиши қуйидаги иккита шартга боғлиқ:

a) ихтиёрий туб сон учун $a_{i1}l_1+a_{i2}l_2+\ldots+a_{i,n+1}l_{n+1}\equiv b_i\left(modp\right)$;

$i=1,2,3,\ldots,n$ таққосламалар системасини қаноатлантирувчи $l_1,l_2,\ldots,l_{n+1}$ $(1\le l_1,l_2,\ldots,l_{n+1}\le p-1)$ бутун сонлар мавжуд;

b) бирор мусбат ҳақиқий сонлар $y_1,y_2,\ldots,y_{n+1}$ учун

$$a_{i1}y_1 + a_{i2}y_2 + \ldots + a_{i,n+1}y_{n+1} = b_i, \qquad i = 1,2,3,\ldots,n$$

тенглик ўринли.

Бундан кейин фақат мана шу иккита (конгруэнт ечимга эга бўлиш ва мусбат ечимга эга бўлиш) шартларни қаноатлантирувчи $b_1, b_2, \ldots, b_n$ ларни қараймиз.

Етарлича катта ихтиёрий X учун a), b) ва $1 \le b_1, b_2, \ldots, b_n \le X$ шартларни қаноатлантирувчи $\vec{b} = (b_1, b_2, \ldots, b_n)$ векторлар тўпламини $U(X)$ орқали белгилаймиз.

$m \ge 2s+1$ ҳол учун Ву Фанг томонидан (12) системани ечимлар сони учун асимптотик формула исботланди.

$s < m \le 2s$ бўлганда эса, (12) система ечимга бўлмаган $\vec{b} = (b_1, b_2, \ldots, b_n)$, $1 \le b_1, b_2, \ldots, b_n \le X$ векторлар сони $E(X)$ нинг $E(X) < X^{n-\varepsilon}$ тенгсизликни қаноатлантириши исботланган, бу ерда X етарлича катта сон, $\varepsilon -$етарлича кичик мусбат ўзгармас сон.

Фараз қилайлик, $n-$ фиксирланган натурал сон ва $J(\vec{b})$ эса (12) системанинг $s = n, \quad m = n+1$ бўлган ҳол учун туб сонлардаги ечимлари сони бўлсин.

Учинчи бобнинг биринчи параграфида (12) системанинг ечимга эга бўлишига боғлиқ бўлган қуйидаги теорема исботланган:
$s = 2, \quad m = 3$ бўлган ҳолда:

6-теорема. Агар X - етарлича катта ҳақиқий сон ва y_1, y_2, y_3 мусбат сонлар учун $\sum_{j=1}^{3} a_{ij}y_j > 0,\ i = 1,2,$ шарт бажарилса, у ҳолда

$$cardU(X) > X^2 B^{-4}(42,4246(\ln\ln B + 1,8)^2)^{-1} \text{ ва } E(X) < X^{\gamma},\ \gamma < 1,9999833$$

ўринли.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида туб коэффициентли тенгламалар системасининг ечимга эга бўлиш шарти келтирилган. Жумладан, $b_i = a_{i1}p_1 + a_{i2}p_2 + a_{i3}p_3,\ i = 1,2$ тенгламалар системасини

a) ихтиёрий туб сон учун $a_{i1}l_1 + a_{i2}l_2 + a_{i3}l_3 \equiv b_i (mod p),\ i = 1,2$ таққосламалар системасини қаноатлантирувчи l_1, l_2, l_3 $(1 \le l_1, l_2, l_3 \le p-1)$ бутун сонлар мавжуд;

b) бирор мусбат ҳақиқий сонлар y_1, y_2, y_3 учун $a_{i1}y_1 + a_{i2}y_2 + a_{i3}y_3 = b_i,\ i = 1,2$ тенглик ўринли.

Учинчи бобнинг учинчи параграфида (12) системанинг ечимга эга бўлиши билан боғлиқ қуйидаги теорема исботланган:
$s = n, \quad m = n+1$ ҳол учун:

7-теорема. Агар $X-$ етарлича катта, $\delta(0<\delta<1)-$етарлича кичик мусбат сонлар бўлса, у ҳолда $\vec{b}\in U(X)$ даги кўпи билан $E(X)<X^{n-\frac{\delta}{17n^3}}$ тадан ташқари барча векторлар учун учун қуйидаги баҳо ўринли:

$$J\left(\vec{b}\right)>\frac{\left(\frac{1}{\sqrt{n}}3(n!)^2B^{(2n-1)}\left|\vec{b}\right|\right)^{1-\frac{\delta}{10(n-1)}}}{\left(\ln\left(\frac{1}{\sqrt{n}}3(n!)^2B^{(2n-1)}\left|\vec{b}\right|\right)\right)^{n+1}},$$

бу ерда $B=\max\left\{3\left|a_{ij}\right|\right\},\quad 1\le i\le n, 1\le j\le n+1.$

Олинган натижалар Ву Фанг, И. Аллаков, M.C.Liu, K.M. Tsang, Б.Бабаназаров, М.И.Тулаганов, А.С. Файнлейб ишларини тўлдиради ва Б.Абраевнинг натижасини барча n лар учун умумлашмаси ҳисобланади.

ХУЛОСА

Диссертация иши берилган сонни арифметик прогрессиядан олинган туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш ва бир вақтда сонларни туб сонлар йиғиндиси кўринишида ифодалаш масалаларини ўрганишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Жуфт сонларни арифметик прогрессиядан олинган иккита туб соннинг йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласи, яъни туб сонлар арифметик прогрессиядан олинган ҳолдаги Гольдбахнинг бинар масаласи махсус тўплами учун янги баҳо исботланди;
2. Берилган сонни кўрсатилган кўринишда ифодалашлар сони учун қуйидан баҳолар исботланган. Олинган натижалар А.Ф.Лаврик ва И.Аллаковларнинг шу соҳада олган натижаларини такомиллаштирилган, шунингдек, Х. Монтгомери ва Р.Воннинг натижаларини арифметик прогрессия учун умумлаштирилган;
3. Берилган сонни туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласининг махсус тўплами учун янги баҳо олинган;
4. Берилган сонни арифметик прогрессиядан олинган туб сон ва туб соннинг фиксирланган даражаси йиғиндиси кўринишида ифодалашлар сони учун янги баҳо исботланган;
5. Чизиқли тенгламалар системасининг туб сонларда ечимга эга бўлиш шартларини қаноатлантирувчи натурал сонлар тўпламининг баҳолари аниқлаштирилган;
6. Берилган натурал сонларни бир вақтда туб сонларнинг йиғиндиси кўринишида ифодалаш масаласининг махсус тўплами учун янги баҳо исботланган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ ИМЕНИ В.И.РОМАНОВСКОГО

ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САФАРОВА АБДИВОХИДА ШУКУРОВИЧА

О ПРЕДСТАВЛЕНИИ ЧИСЕЛ СУММОЙ ПРОСТЫХ ИЗ АРИФМЕТИЧЕСКОЙ ПРОГРЕССИИ

01.01.06 – Алгебра

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ-2021

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2013.3.PhD/FM402

Диссертация выполнена в Термезском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-fizmat.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Аллаков Исмаил**
физика-математика фанлари доктори, доцент

Официальные оппоненты: **Рахмонов Зарулло Хусенович**
доктор физико-математических наук, академик (Таджикистан)

Худойбердиев Аброр Хакимович
доктор физико-математических наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «30» июля 2021 года в 16:00 часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.FM.01.01 при Институте Математики имени В.И.Романовского. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4б. Тел.: (+99871) 207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website www.mathins.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института Математики имени В.И.Романовского (зарегистрирована за № 117). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4б. Тел.: (+99871) 207-91-40).

Автореферат диссертации разослан «17» июля 2021 года.
(протокол рассылки № 2 от «17» июля 2021 года).

У.А.Розиков
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Ж.К.Адашев
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.ф.-м.н., старший научный сотрудник

Б.А.Омиров
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире многие научные и практические исследования, часто приводятся к исследованию задач теоретической механики и криптографии. Исследование математических моделей естественных процессов составляет теоретическую основу аддитивных задач теории чисел, и важно определить законы шифрования криптографии с помощью аддитивных задач теории чисел. Расшифровка, числовые функции и характеры Дирихле, необходимые для решения таких задач, зависят от значений числовых функций и числовых значений переменных. Выражение данного числа как суммы простого числа и фиксированной степени простого числа полученных из арифметической прогрессии, остается одной из важных задач при решении проблем изучания естественной математической модели многих физических, химических и биологических процессов.

В настоящее время решение бинарных и тернарных проблем Гольдбаха из аддитивных задач теории чисел имеет большое значение во всем мире. Проблема выражения данного четного числа в виде суммы двух простых чисел, полученных из арифметической прогрессии, еще не решена. Впервые в решение аддитивных задач существенные результаты были достигнуты с использованием кругового метода. Затем дополнение кругового метода с методом тригонометрических сумм привела к решению тернарной задачи Гольдбаха для достаточно больших нечетных чисел. В связи с этим, различные виды аддитивных задач, связанных с простыми числами, т.е. выражение данного числа в виде суммы простого числа и фиксированной степени натурального числа, выражение данного числа в виде суммы простого числа и фиксированной степени натурального числа, выражение данного числа в виде суммы простых и натуральных чисел в фиксированных степенях считаются целевыми научными исследованиями.

В нашей стране уделяется внимание современным направлениям теории чисел, имеющим научное и практическое применение в фундаментальных науках. В частности, в последние годы были достигнуты значительные результаты в решении задач о представление чисел суммой простых чисел включающие в себе тернарные и бинарные проблем Гольдбаха. Основными задачами и направлениями деятельности математики являются проведение исследований на уровне международных стандартов по приоритетным направлениям «Алгебра и геометрия»[2]. В целях использования научных результатов в смежных областях науки важными считаются развитие ддитивных задач теории чисел.

Исследования данной диссертации в определенной степени служат решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действия по дальнейшему

[2] Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года №292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

развитию Республики Узбекистан», в постановлениях №ПП-4387 от 9 июля 2019 года «О мерах государственной поддержки дальнейшего развития математического образования и науки, а также коренного совершенствования деятельности Института Математики имени В. И. Романовского Академии Наук Республики Узбекистан» и №ПП-4708 от 7 мая 2020 года «О мерах по повышению качества образования и развитию научных исследований в области математики», и в других нормативно-правовых актах, касающихся фундаментальной науки.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

